

**«Халк душманларини яратмок»
Узбекистонда диндорларнинг таъкиб килиниши.**

1. Кириш

Кискача мазмун

Охирги ун йил давомида мустакил диндор шахсларнинг Узбекистон хукумати томонидан таъкиб килиниши кескинлашиб бормокда. Мустакил диндорларни таъкиб килиш харакатлари тахминан 7,000 шахснинг хибсга олиниши, кийнокка солиниши, жамоа олдида хурланиши ва ута абгор шароитда камокхонада сакланишига сабаб булди.

Бундай харакат асосан Ислон динини давлат назорати доирасидан ташкарида урганаётган тинч диндорларни нишонга олади. Мустакил имомлар, уларнинг талабалари ва «вахобийлар» - хукумат томонидан «фундаменталист» деб кораланган диндорларни нотугриларча ифодаловчи ном – шулар жумласига киради. Таъкиб килинганларнинг аксарияти Ислоний Давлат куришни таргиб килаётган ва хукумат назарида давлатга карши булган «Хизб-ут-Тахрир» (Хуррият Партияси) тинч гурухининг аъзоларидир. Туксонинчи йилларнинг биринчи ярмида хукумат мустакил Ислоний харакатларнинг бостирилишини дунёвий карашларни саклаб колиш уринишлари билан оклаганди. 1998 йилдан бошлаб хукумат бундай амалларнинг терроризм олдини олиш учун зарур булган чоралар эканлигига ишора кила бошлади ва, бугунги кунга келиб, Узбекистон хукумати хибсга олиш амалларини дунё буйлаб ун биринчи сентябрь вокеаларига жавобан пайдо булган терроризмга карши кураш харакатлари шиори остида олиб бормокда.

Узбекистон хукуматининг мустакил Ислон динига карши харакати мамлакат жиний кодексининг дин ва диний ташкилотларга оид конунларида белгиланган. Давлат мулозимлари бундай харакатни уз нутк ва баёотларида олга сурадилар, хукук - тартибот идоралари ходимлари, суд хакамлари хамда махаллий хокимият мулозимлари эса уни амалга оширадилар.

Халкаро инсон хукукларини химоялаш конуни хар бир инсон истаган динига эътикод килиш хукукига эга булишини кафолатлайди. Узбекистон хукуматининг амалдаги сиёсати ушбу халкаро андозаларга зид келади, чунки хукумат айрим диндор шахсларни эътикоди, уз эътикодини ифодалаши ва бошка шахслар билан маълумот алмашиб, тинч уюшмалар тузганликлари учун жазолайди. Давлат хокимлиги муассасалари мустакил диндорларни мунтазам равишда кийнокка солиб, купол муомалада булиб, жамоа олдида пастга уриб, текширув хамда махкама жараёнларида адолатсизликларга очик йул куйиб бермокда ва бу билан халкаро конун олдидаги бурчларини бузаётгир.

Ушбу хисобот ана шундай конунбузарликларни тасвирлайди. Давлат мулозимларининг кандай килиб конуний булган диний амал ва эътикодларни жинийлаштирганлиги, алохида шахсларнинг уз эътикод, суз ва йигилиш

эркинлиги ҳуқуқларидан фойдаланиш ҳаракатларини давлатни тунтариш уринишлари дея қуриши ҳам бу ҳисоботда тушунтириб утилади. Унда мустақил диндор мусулмонларнинг ҳибсга олинганларидан бошлаб то камокда йиллар давомида жазоларини утаётган пайтларидаги бошдан кечирган азоблари тасвирланади. Ушбу ҳисоботда келтирилган мисоллар муаллифлари хануз камокхоналарда сақланмоқдалар. Милиция ходимлари улардан уз сузларини инкор этиш баёнотларини олиш мақсадида уларни каттик кийноқларга солган. Махбуслар бир неча кунгача изоляторда сақланиб, ҳатто адвокатга эга бўлиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилганлар. Ваниҳоят, адолатсиз маҳкама жараёнларида сохта исбот-далиллар асосида узок муддатли камок жазосига ҳукм этилганлар. Улар уз жазо муддатларини утар экан, хануз купол муомала ҳамда кийноқлардан азоб чекмоқдалар. Бизнинг туплаган ҳужжатларимизда уларнинг оила аъзоларига утказилган тазйиқлар, уларнинг таъкиб қилинишлари, шунингдек, маҳаллий ҳокимликларнинг бир вақтлар советлар ишлатган усуллардан бири бўлмиш жамоат олдиди «Исломиё фундаменталистларни» қоралаш амалларини кенг қуллашлари курсатилади.

Ҳибсга олинган ва ушбу ҳисоботда мисол қилиб келтирилган мустақил мусулмонларнинг аксарияти эркақлардир. Баъзи бир ҳолларда ҳуқуматнинг камокка олиш ҳаркати тугрима-тугри аёлларга қаратилган. Бошқа ҳолларда эса аёллар ушбу ҳаракатлар натижасида узбошимча тарзда жазоланганлар. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари гумон этилаётган эркақларнинг аёл қариндошларига тазйиқ утказиб, уларни гумондорлар тугрисида маълумот беришга ёки улар орқали гумондорларни узларига қуйилган айбларга иқрор бўлишга мажбурлаганлар.

Ҳисобот якунида мустақил мусулмонларнинг адолат ва ҳимоя излаб давлат идораларига, маҳкамаларга ва прокуратураларга мурожаат қилишда турли тусиқларга дуч келганликлари тасвирланади. Шунингдек, баъзан уларга халқаро ташкилотларга мурожаат қилганликлари учун ҳам тазйиқ утказиш ҳоллари ёритилади.

Ҳуқумат 1999 йилнинг феврал ойида Тошкентда содир этилган бомба портлашлари ҳамда 2000 йилдаги Ўзбекистон Исломиё Ҳаракати томонидан содир этилган қуролли ҳужумларни пеш қилиб, «Исломиё экстремизмга» нисбатан бешавқатликларини оқлайди. Ҳудди шундай баҳона билан уз ҳукмронлигига таҳдид солувчи деб билган диндор мусулмонларни камаш ҳолларини янада қупайтирган. Уз фуқароларини сиёсий таъкиблардан ҳимоя қилиш ва халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда бундай қонунбузарчиликка йул қуйганларни жавобгарликка тортиш ҳар бир ҳуқуматнинг бурчидир. Ҳуқуматнинг ушбу камокка олиш ҳаракатларини терроризмга қарши қоралар дея таъкидлашига қарамай, биз урганган ҳолларнинг аксариятида ҳибсга олинганларга терроризм ёки бошқа бир турдаги зурравонлик айби қуйилмаган. Терроризмнинг олдини олиш эҳтиёжи ҳуқуматнинг мустақил диндорлар ва уларнинг оила аъзоларини таъкиб қилишини оқлай олмайди. Камокхоналарда руй бераётган кийноқлар, жамоа олдиди ҳурлаш амаллари, милиция томонидан гумондорлар уйига гиёҳванд модда ҳамда

куролларнинг ташланиши, махкама жараёнларида судланувчининг беш вақт намоз уқиши 'давлат тунтариш харакати' га далил сифатида қабул қилинишини оқлаб бўлмади, бу адолатли махкама жараёнининг асосий тамойилларига зид келади.

Хукуматнинг бундай амаллари диндорларни таъкиб этишда ниҳоятда самаралидир. Уларнинг мустақил мусулмон жамоаларига бўлган таъсири эса жуда ачинарли. Бошқа давлатлар дипломатик вакилларининг илтимосларига қарамай, Ўзбекистон ҳукумати хануз диний эътиқоди туфайли хибсга олинган шахлар сонини ошқор қилгани йук.¹ Хибсга олинган ва қамоқда ушлаб турилган мустақил мусулмонларнинг аниқ сони Ўзбекистон ҳукумати ушбу маълумотни ошқор қилган ҳолдагина бизга аён бўлади.

1999 йилнинг август ойида уша пайтдаги Ўзбекистоннинг АКШга элчиси бўлган Содик Сафаев (2003 йилдан бери Ташки Ишлар Вазири) Хьюман Райтс Ватч ташкилотига «юзлаб, балки минглаб кишилар Хизб ут-Тахрир гуруҳига аъзолиги ва ноқонуний амалиётлари учун қамоққа олинган» деб айтган². Қамоққа олиш ҳолларини яқиндан кузатиб бораётган маҳаллий инсон ҳуқуқлари фаолларига қура, 2000 йилга қадар тахминан 6,500 – 7,000 шахс хибсга олинган бўлиб, ҳозирда қамоқда жазо утамоқда.³ Бундай тахминлар Хизб ут-Тахрирнинг Ўзбекистондаги бўлимининг 2000 йилда чоп этилган ҳисоботларидаги 4,000 га яқин гуруҳ аъзолари қамоқда деган рақамларига тугри келади. 2000 йилдан бери ақсарияти Хизб ут-Тахрир ташкилотининг аъзолари бўлган, шунингдек, «Воҳобийликда» айбланган мустақил мусулмонларнинг хибсга олиниб, қамоқ жазосига ҳукм этилишлари мунтазам равишда давом этиб келмоқда. Уларнинг сони 2001 ҳамда 2002 йилларда президент амнистиясига биноан озодликка чиққанларнинг сонидан ошиб тушади.⁴

¹ Ички Ишлар Вазирлигининг 2000 йилдаги баёнотида “мамлакат қамоқхоналарида бирорта ҳам сиёсий маҳбус йук» дейилган ҳамда қамоқда жазо утаётганларнинг сони ва уларнинг қандай жинойтлари учун қамалганлиги батафсил қурсатилган. Баёнотга қура, қамоқхоналар аҳолиси 63900 маҳбуслардан иборат: улардан 36.1 фоизи угирлик қилган; 23.7 фоизи «ута жиддий жинойт», яъни котиллик, жинсий тажовуз ва бировнинг ҳаётига тажовуз қилган; 6.2 фоизи иқтисодий жинойт содир этган; ва 3.8 фоизи ноурин қилик ёки «хулиғанизм» ва бошқа ноқонуний амалиётга қул урган. Қамоқдаги маҳбусларнинг 10.4 фоизи бояги жинойтлардан узгача жинойтлар содир этган. Порнография тарқатиш, жинсий эътиборсизлик ва ноқонуний тарзда қурул-яроққа эга бўлиш шулар жумласига қиради. Ушбу руйхатда «аксил-конституциявий амалиётлар» учун, диний варақалар тарқатганлиги ёки бошқа диний амалиётга боғлиқ жинойтлар содир этганлиги учун ҳукм этилган шахсларнинг сони умуман берилмаган. Бирок, маҳбусларнинг 8.1 фоизи «бошқа жинойтлар» учун деган табақага қиритилган – шубҳасиз, булар диний амалиёт билан айбланганлардир. Бундан ташқари, ҳукумат амалларини назарда тутган ҳолда, гиёҳванд модда ва ноқонуний қурул-яроққа эга бўлганликлари учун қамалган 8000га яқин маҳбусларнинг қандайдир қисми сохта дилиллар асосида, аслида диний амалиётлари учун, хибсга олинган. «Инсонийлик асосида: Ўзбекистон Республикаси Жазолаш Тизимининг Амалиётлари», Народное Слово, 2000.

² Содик Сафаев билан интервью, Хьюман Райтс Ватч, Нью Йорк, 18 август, 1999 йил.

³ 2001 йилнинг октябрига қадар Россиялик Мемориал Инсон Ҳуқуқлари Маркази ҳамда Урта Осиёда Инсон Ҳуқуқлари буйича Маълумот Маркази биргаликда йиққан маълумотларига қараб ҳамда озодликка чиқариш, амнистия ҳамда улимга ҳукм этилганларнинг улдирилиши ҳолларини урганиб чиқиб, Ўзбекистонда 8000 сиёсий ва диний маҳбуслар бор деган ҳулосага келинган. Мемориал Инсон Ҳуқуқлари Маркази ва Урта Осиёда Инсон Ҳуқуқлари буйича Маълумот Маркази: Ўзбекистонда сиёсий ва диний сабабларга қура хибса олинган ва махкамага топширилган шахсларнинг руйхати (1997 йил декабр – 2001 йил август), Москва, октябр, 2001 йил.

⁴ Амнистия натижалари ҳамда шартлари борасида маълумот учун 5-қисмга қаранг.

2003 йил 25 сентябрга қадар Хьюман Райтс Ватч ташкилоти 1,229 мустикал мусулмонларнинг ишларини урганиб чиқиб, уларни Ўзбекистондаги диний махбуслар руйхатига киритди. Бундан ташқари, диний эътиқоди, амалиёти ва ҳар хил ташкилотларга аъзолиги асосида қамол жазосига ҳукм этилган 150га яқин шахсларнинг ҳоллари ҳозирда урганиб чиқилмоқда. Россиядаги «Мемориал» инсон ҳуқуқлари ташкилотининг ходимлари 1,967 мустикал мусулмонларнинг қамалиш ҳолларини урганиб чиққан.⁵

Диндорлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан бутун мамлакат бўйича ҳибсага олинган бўлса-да, ҳибсларнинг қупчилиги пойтахт Тошкент ҳамда Фарғона водийси шаҳарларида руй берган. Хьюман Райтс Ватч ҳамда Мемориал урганиб чиққан ва руйхатга олган шахсларнинг аксарияти ҳам ушбу вилоятлардан келиб чиққан.⁶

Ушбу ҳисоботда батафсил ёритилганидек, ҳукумат, исломий фундаментализм ва экстремизмни йукотмоқчимиз, деган шиор остида давлат назоратидаги ислом динини рад этган мусулмонларни жазоламоқда. Бундай сиёсат одамларга хуш келган ислом динини сиёсий саҳнадан четлаштиришга ҳамда Каримов ҳукумати ва мустикал фикрловчи диндор етакчи шахслар уртасидаги ҳокимият учун буладиган рақобатга йул қуймасликка қаратилган. Дин одамларнинг дилига ва онгига таъсир қилиши қурқуви Совет тизимидан мерос бўлиб келган, бироқ Каримов ҳукумати ушбу меросни узининг лойихасига айлантириб, ислом эътиқодининг ҳукуматга таҳдид солишига йул қуймаслик учун динни назорат қилиш услубларининг эски ҳамда янги йулларини қулламоқда.

Ҳукумат энг аввало масжидларда давлат томонидан белгиланган нутқларни уқишдан бош тортган етакчи имомларни нишонга олган. Масжидларда овоз қучайтиргичлардан фойдаланиш ҳукумат томонидан таъқиқланганлигига қарши чиқиш, жамоат олдида уқилган дуоларда Каримовни тилга олишдан бош тортиш, исломий давлат тузишнинг ҳамда Шариат қонунларини урнатишнинг фойдали томонларини муҳоқама қилиш, ҳавфсизлик ходимларига бошқалар тугрисида маълумот беришдан бош тортиш - буларнинг барчаси «буйсунмасликка» қиради.

⁵ Мемориал Инсон Ҳуқуқлари Маркази ҳамда Урта Осиёда Инсон Ҳуқуқлари бўйича Маълумот Маркази: Ўзбекистонда сиёсий ва диний сабабларга қура ҳибсага олинган ва маҳкамага топширилган шахсларнинг руйхати (1997 йил декабр – 2001 йил август), Москва, октябр, 2001 йил. Ушбу рақам Марказ томонидан йигилган умумий мустикал мусулмонлар сонидан (2297) терроризм айблари билан қамалган шахслар сонини (330) айириш йули билан ҳисобланган – яъни 1967 мустикал мусулмонларга зуравонлик айби қуйилмаган. Бир қуришда қилинган текширувларга қура, Хьюман Райтс Ватч томонидан руйхатга олинган ҳолларнинг баъзилари Мемориал йикқан руйхатда ҳам учрайди.

⁶ Ушбу рақамлар ҳукуматнинг айнан шу вилоятлардаги шахсларни нишонга олаётганини аңлатади. Ҳибсага олиш ҳолларининг қупчилиги билан шугулланувчи Ички Ишлар Вазири Зоқиржон Алматов, бундай вилоят бўйича нишонга олиш амалини тан олди. «Экстремист диний гуруҳлар таъсирида фаол юритаётган жиноятчилар» тугрисида суз юритар экан, Алматов «текширувлар натижасида жиноят содир этганлар асосан Тошкент, Андижон ва Наманган вилоятлар фуқаролари эканлиги маълум бўлди» деган. Ўзбекистон Радиоси, Биринчи Дастур, 27 январ, 2000 йил, БиБиСи Мониторинг ташкилотининг инглиз тилига таржимаси.

Хукумат бундай етакчи имомларни нотугриларча «Вахобийлар» деб атаб, уларнинг якин кариндошларини ёки талабаларини, улар билан арзимаган алоқада булган, жумладан, улар билан бирга масжидга борган шахсларни, масжид ишчилари ва хатто уларнинг кариндош-уруглари таъкиб килиб келган.

1999 йили хукумат ходимлари мунтазам равишда диндорларни Хизб ут-Тахрир гурухига аъзо булганлиги, унга оид диний адабиёт таркатганлиги ва ёки, имомларга тазйик утказиш холларида булгани каби, ушбу гурух билан бирор бир алоқада булганлиги учун хибсга олишни бошлади. 1950 йили Якин Шаркда таъсис этилган Хизб ут-Тахрир гурухи Ўзбекистонда 1995 йил атрофида пайдо булган. Ушбу гурухнинг фаолияти аввалига кузга ташланмас эди; маълум муддатгача гурух узини оммага расман таништирмай, хукумат руйхатидан утиш учун ҳаракат ҳам қилмай ёки баёнотлар билан чиқмай келди. Бирок 1998 йилга келиб гурух аъзолари Ўзбекистон хукуматининг назарига тушиб қолишди. Бу пайтга келиб гурух аъзолари тобора қупайган, цензурадан утмаган, жумладан, мусулмон рухоний кенгашига қарашли нашриёт уйи ёки министрлар кабинети қошидаги диний ишлар буйича қумитаси томонидан руҳсат берилмаган варақа ва китобларни очикма-очик тарқатиб юришган эди.

Хизб ут-Тахрир гурухи Якин Шарк, Оврупа ҳамда Марказий Осиёнинг қатор мамлакатларида мухтор булимларига эга. Ушбу булимларнинг дастур ва фаолияти жойлашган мамлакатига қараб бир-биридан фарқ қилади, шунингдек, ушбу мамлакат хукуматларининг уларга булган муносабати ҳам турлича. Ушбу ҳисоботда фақат Ўзбекистон хукуматининг Хизб ут-Тахрир гурухига булган муносабати келтирилади. Хизб ут-Тахрир гурухининг мақсад ва гоёлари дин ва сиёсатдан иборат булганлиги учун, у биргина сиёсий ёки диний гурух сифатида белгиланишни рад этади. Ўзбекистон давлат ҳокимлиги Хизб ут-Тахрир аъзоларини диний эътиқоди, фикрларини ифодалашга уриниши ҳамда фаолияти учун жазолайди.

Ушбу ҳисоботда «мустикал мусулмонлар» ифодаси уз эътиқодини ифодалашда хукумат сиёсатига буйсунмаган диндорларни англатади. Хукумат томонидан «фундаменталистлар» деб аталиб, шубҳа остига олинган диндорларнинг ҳаммаси ҳам бир хил диний эътиқод ва амалларга риоя қилишмайди. Ўзбекистон хукумати узининг 'чегараланган' диний амалларидан узгача диний амалларга риоя қилганларнинг ҳаммасига шубҳа билан қарайди. «Мустикал мусулмонлар» анъанавий диний амалардан узгача амалларга риоя қиладиганларни англатмайди, шунингдек, улар давлатга тажовуз қилиш учун аҳд қилган шахслар деб ҳам тушунилмаслиги қерак. Ўзбекистон хукумати мустикал ислом динига қарши ҳаракатида давлатдан «мустикал» булишга уринганларни эмас, балки хукумат ходимлари томонидан «ута диндор» деб қуринган шахсларни нишонга олади.

Ўзбекистоннинг қупчилик мусулмонлари - Хизб ут-Тахрир гурухи аъзоларининг аксарияти ҳам, давлат томонидан «вахобийлар» дея белгиланган мусулмонлар ҳам - узларини Саудия Арабистонининг вахобийлар издошларидан бутунлай узгача

булган Ханафи Суннийлар деб биладилар.⁷ Диндор шахсларнинг 'вахобийлар' деб аталишига сабаб махаллий хокимликларнинг назарида «шубха тугдирадиган даражада ута эътикодли» булганликлари эди: “ута эътикодли” булишга беш вақт номоз укиб, сокол куйиш ёки юзини беркитиб хижобда юриш ҳам киради.

Услубият

Хьюман Райтс Ватчнинг Тошкентдаги булими 1996 йилдан бери фаол курсатиб келади. 1998 йилдан бери, айниқса, 1999-2001 йилларда конунбузарликлар купайиб борган сари, Хьюман Райтс Ватч узбошимча хибсга олиш холларининг курбонлари ва уларнинг якин кариндошлари булган 200га якин мустакил мусулмонлар билан, шунингдек, катор гувоҳлар, инсон хукуклари химоячилари, адвокатлар ва давлат мулозимлари билан суҳбатлар олиб борди. Бундан ташкари, бир неча собик диний махбуслар билан 2002 ва 2003 йилларда кушимча суҳбат ва кузатувлар олиб борилган. Ушбу хисоботга киритилган маълумотлар Тошкент шахрининг ун бир туманида, Тошкент вилоятининг бошка худудларида, шунингдек, Жиззах, Хоразм, Самарканд, Бухоро, Андижон, Фаргона, Наманган, Сирдарё вилоятларида ҳамда Коракалпогистон Мухтор Республикасида йигилган.

Ушбу хисоботга маълумот йигиш учун Хьюман Райтс Ватч ходимлари мустакил мусулмонларнинг унлаб махкама жараёнларида хозир булиб, узлари махкама жараёни матнларини сузма-суз ёзиб чикишган. Акс холда, махкамалар бундай матнларни оммага ошкор килмайди. Биз милиция, прокуратура ва махкамалардан 800дан ортик мустакил мусулмонларга тегишли хужжатларни йигдик. Шунингдек, юзлаб кушимча хужжатларни куриб чикилди. Тиббий далиллар, улим гувоҳномалари, курбонлар ва уларнинг кариндошлари томонидан ёзилган аризалар, хукумат идораларига ва халкаро ташкилотларга жунатилган аризалар, хукумат идораларидан олинган жавоб хатлари, хорижий давлатлар, халкаро ташкилотлар ва инсон хукуклари гуруҳлари томонидан ёзилган хисобот ва тахлиллар, махаллий ва хорижий матбуотда чоп этилган маколалар, расмий хукумат баёнотлари ва махаллий конунлар ва карорлар шулар жумласига киради.

ТАВСИЯЛАР

Узбекистон Республикаси хукуматига:

Халкаро хамжамият билан муносабатларни ривожлантириш нуктаи назаридан,

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) диний эътикод ва карашлар эркинлиги буйича махсус маърузачисини Узбекистонга таклиф килиш.
- БМТнинг Узбошимча Хибсга Олиш холларини урганиш буйича амалиёт гуруҳини Узбекистонга таклиф килиш.

⁷ Узбекистондаги Хизб ут-Тахрир гуруҳининг аъзоларига кура, уларнинг аксарияти Ханафи Суннийлардир. Бошка худудлардаги Хизб ут-Тахрир аъзолари уша жойдаги оким издошларидир. Масалан, Покистон ҳамда Якин Шаркда гуруҳнинг купчилик аъзолари Шафий окимига киради. Хьюман Райтс Ватчнинг Буюк Британиядаги Хизб ут-Тахрир гуруҳининг бошлиги Жалолиддин Пател билан булган суҳбатидан. Лондон, 29 Июн, 2002 йил.

- БМТ суд ҳакамлари ва ҳуқуқ ходимлари мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачисини Ўзбекистонга таклиф қилиш.

Камокхоналардаги ахволни яхшилаш нуқтаи назаридан,

- БМТ кийнок масалалари бўйича махсус маърузачисининг тавсиясига биноан, Жазлик камокхонасини беркитишни қуриб чиқиш.
- Кизил Хоч Халқаро Кумитаси(КХХК)нинг, иккала томон келишган ҳолда, суд ҳукмигача ва ҳукмдан сунг хибсда сақлаш муассасаларига ташриф буюришини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш.
- Ички Ишлар Вазирлиги ёки камокхона маъмуриятларининг хибсда диний эътиқод ва қарашларни ифодалаш ҳуқуқи бўйича чиқарган барча қонун-қоидаларини оммавийлаштириш.

Дискриминацион қонунларни узгартириш мақсадида,

- Оврупа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ОХХТ) томонидан «Виждон Эркинлиги ва Диний Ташкилотлар тугрисида Қонунининг» (Ўзбекистон ҳукумати томонидан 1998 йилда қабул қилинган) Халқаро Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар бўйича Шартномага зид келган айрим бўлимларини узгартириш ҳақидаги 2003 йил июнда чоп этилган тавсияларини амалда қўллаш.

Хусусан,

- Бир диндан бошқа динга ўтишни жиноят ҳисобламаслик. 1998 йилдаги дин қонунининг 5-моддасини қайта қуриб чиқиш (бу моддада «диндорларни бошқа динга ўтишга ундовчи ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа хил миссионерлик ҳаракатлари»нинг жиноят эканлиги айтилади). Жиноят Кодексининг 216-2-моддаси 2-қисмини («Диндорларни бошқа динга ўтказиш (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик ҳаракатлари») бекор қилиш.
- Хусусий диний ўқишларни жиноят ҳисобламаслик. 1998 йилдаги қонуннинг 9-моддасини қайта қуриб чиқиш (бу модда диний ақидаларнинг хусусий равишда ўқитилишини жиноийлаштиради). Жиноят Кодексининг 229-2-моддасини («диний ақидаларни махсус диний билимларсиз ва (айнан) диний ташкилотнинг Марказий Маъмурий Ҳокимияти рўхсатсиз ўқитиш ҳамда диний ақидаларни хусусий равишда ўқитиш») бекор қилиш.
- Рўйхатга олинмаган диний уюшмаларни жиноий ҳисобламаслик. 1998 йил қонунининг 8- ва 11-моддаларини қайта қуриб чиқиш (бу моддада фақат рўйхатга олинган диний уюшмаларгина қонуний ташкилот сифатида иш юрита олиши, яъни диний амаллар ва маросимларни бажариш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланади). Жиноят Кодексининг 216-2-моддаси 1-қисмини (диний ташкилотни рўйхатдан ўтказмаслик), 216-моддасини («таъқиқланган диний ташкилот» тузиш ёки шундай ташкилот амалиётларида иштирок этиш) ва 216-1-моддасини (бошқа шахсларни таъқиқланган диний гуруҳга аъзо бўлишга ундаш) бекор қилиш.
- Диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм гоёларини ургатиш ва урганишни жиноят ҳисобламаслик. 1998 йилдаги қонуннинг 19-моддасини қайта қуриб чиқиш (бу моддада «диний экстремизм, сепаратизм ва

- фундаментализм гояларини ифода этувчи» чоп этилган хужжатлар, видео ва аудио тасмалари, негатив ва суратлар каби материалларни яратиш, саклаш ва таркатиш жиноят деб белгиланади). Жиноят Кодексининг 244-1-моддасини («диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм» гояларини ифодалувчи адабиётни саклаш ва таркатиш) бекор килиш.
- Диний экстремист, сепаратист ва фундаменталист ташкилотларга алокадорликни жиноят хисобламаслик. Жиноят Кодексининг 244-2-моддасини («диний экстремист, сепаратист ва фундаменталист» ёки бошка таъкикланган ташкилотларни тузиш, бошкариш ва бундай ташкилот фаолиятларида катнашиш) бекор килиш.
 - Маъмурий Жазо Кодексининг диний амалларни чегаралаш хакидаги Жиноят Кодексининг юкорида санаб утилган моддаларига мос келган моддаларини бекор килиш.
 - Диний кийимларни таъкикклашни тухтатиш. 1998 йилдаги конуннинг 14-моддасини кайта куриб чикиш (бу моддага биноан диний уламо булмаган шахсларнинг диний кийим кийиши ноконуний хисобланади, бу дегани мустакил шахслар эмас, балки диний ташкилотлар диний амалларни бажариш хукукига эга). Маъмурий Жазо Кодексининг 184-1-моддасини бекор килиш (бу моддага биноан 14-моддани бузиш конун буйича жазоланади).

Нохак жазоланган шахсларни оклаш максадида,

- Факат динга боглик айбловлар билан – Жиноят Кодексининг 216-, 216-1-, 216-2-, 244-1- ва 244-2-моддаларига биноан – жазога тортилган шахсларнинг барчасини озодликка чиқариш.
- Жиноят Кодексининг 242-, 156- ва 159-моддаларига биноан, уз холича ёхуд бошка моддалар билан кушилган холда булишидан катъий назар, жазога хукм этилган шахсларни озод этиш, бир вақтнинг узида уларнинг масалаларини мустакил равишфа урганишни давом эттириш.
- Жиноят Кодексининг 155-моддаси(терроризм)га биноан айбланган барча шахслар масаласини мустакил хакамлар ёрдамида тез ва чуқур куриб чикиш учун шароит яратиш.
- Гиёхванд моддаларни саклаш айби (Жиноят Кодексининг 273- ва 276-моддалари) ёки курул-яроқларни конунга хилоф равишда саклаш айби (Жиноят Кодексининг 248-моддаси) билан жазога хукм килинган барча шахслар масаласини, факат ушбу моддаларга биноан ёки юкорида санаб утилган динга боглик моддалар билан кушилган холда айбланган булишидан катъий назар, мустакил хакамлар ёрдамида тез ва чуқур куриб чикиш учун шароит яратиш.
- БМТ Кийночка Карши Куъмитаси(БМТККК)нинг 2002 йил май ойида баён этган тавсияларига биноан, 1995 йилдан бери айбланувчиларнинг аксарияти кийнок ва купол муомалалар натижасида уз айбларига иқроп булганлиги эхтимолини эътиборга олган холда, уларнинг факатгина айбига иқроп булган курсатмаларига асосланган хукмларни кайта куриб чикиш, зарур холларда тезкор ва адолатли усулда текширувлар олиб бориш хамда

курбонларга ёрдам бериш учун керакли чора-тадбирларни утказиш.
Ўзбекистон БМТ Кийночка Карши Конвенциясига 1995 йили аъзо булган.

Кенг ошкораликни таъминлаш учун,

- Ўзбекистонда Жиноят Кодексининг 156-моддаси (миллий, иркий ёки диний душманликни келтириб чиқариш), 159-, 216-, 216-1-, 216-2-, 242-, 242-1- ва 242-2-моддаларига асосан жазога ҳукм қилинган барча шахсларнинг тулик руйхатини оммага ошкор қилиш. Ушбу руйхатга ҳукм этилган шахсларнинг тулик исми-шарифи, тугилган шахри, тугилган санаси, ҳибсга олинган санаси, ҳукм этилган санаси, жазо муддати, унга қуйилган айблар, камоқда сақланиш жойи, камоқдан чиқиш санаси каби маълумотларни илова қилиш.

Фуқароларни адолатсиз жазолаш ҳаракатларидан ҳимоя қилиш учун,

- Жиноят Кодексининг 216-, 216-1-, 216-2-, 244-1- ва 244-2-моддаларига асосан жазога ҳукм қилинган шахслар жиноий ишларини бекор қилиб уларни тавон пули билан таъминлаш.
- Жиноятда гумон этилган шахсларнинг қариндошларини жиноят учун маъсул тутиш каби жамоавий жазо усулларини расман тухтатиш.

Фуқароларни ноқонуний ҳибсга олиш ва қийночка солишдан ҳимоя қилиш ҳамда маҳбусларни қийночка солган зобитларни жавобгарликка тортишни таъминлаш мақсадида,

- Давлат назоратида ҳибсда сақланаётган шахслар учун, прокуратура тизимидан ташқарида, бутунлай мустақил фаолият курсатувчи арз ва шикоятлар механизмини тузишни мақсад қилган ҳолда, БМТККК 2002 йил май ойида баён этган тавсиялари ҳамда БМТ қийноқ масалалари буйича махсус маърузачисининг 2003 йилда баён этилган тавсияларини амалга тадбиқ қилиш.
- Ноқонуний ҳибсга олиш, қийнаш ва камоқда сақлашга қарши чораларнинг бири сифатида Ўзбекистон жиноий жавобгарликка тортиш тизимига «habeas corpus», яъни «ҳақамнинг гумондорни маҳкамага тортиш борасидаги буйруғи»ни амалда қуллаш тизимини урнатиш.
- Қийноқлар тугрисидаги арзларнинг барчасини урганиб чиқиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш.
- Барча маҳбусларга зудлик билан узлари истаган ҳимоячилари билан иш юритишга ишончли йул очиб бериш.
- Ҳибсда содир булган улим ҳоллари устидан мустақил текширувлар олиб боришга шароит яратиш, жумладан, суд экспертизаси ва халқаро мутахассисларнинг ушбу текширувларда иштирок этишини таъминлаш.

Маҳаллий ҳокимият диндорларни жазолаш қуролига айланмаслиги учун,

- Маҳалла қўмиталари мустақил мусулмонларни уларнинг эътиқодига қараб ажратмаслигига ишонч ҳосил қилиш. Айниқса, мустақил мусулмонлар оилалари ижтимоий хизматлар ва манфаатлардан фойдаланиш ҳуқуқини талаб қилганда, уларни ажратмасдан ва ошкор ҳолда талабларини қондириш.

- Махалла куъмиталарининг мустакил мусулмонлар устидан виждон эркинлигига зид келувчи кузатув ва назорат ишларини олиб бормасликларига ишонч хосил килиш. Конуний булган кузатув ва назоратлар факат махсус рухсат билан хукук-тартибот идоралари ходимлари томонидан олиб борилиши керак.
- Диний махбусларнинг амнистия оркали озод этилишини хал этишда махалла куъмиталаридан кафолатнома хати талаб килишни тухтатиш. Озод этилган махбусларни назорат килиш маъсулияти давлатнинг амнистия билан шугулланувчи махсус муассасаларига юклатилиши лозим.
- Давлат хокимияти ва махалла куъмиталари томонидан ташкил этиладиган омма олдидан куркитиш ва хурлаш каби узбошимча жазо усулларини куллашни тухтатиш.

Америка Кушма Штатлари Хукумати:

- Узбекистонни 1998 йилги Халқаро Диний Эркинлик Конунига биноан диний эркинлик масалалари буйича Алохида Хавотирга Сазавор Давлат деб хисоблаш.
- Узбекистон АКШ хукумати томонидан «инсон хукукларини химоялашга ахд килган давлат» деб тан олингандагина, АКШ конунига биноан Хамкорликда Хавфни Камайтириш (ХХК) ёрдамига лойик курилиши мумкин. Шунингдек, АКШнинг Хорижий Давлатларга Ёрдам тугрисидаги конунига биноан бериладиган ёрдамга лойик топилиши учун Узбекистон АКШ билан 2002 йилда имзо чеккан «Стратегик Хамдустлик ва Хамкорлик Декларациясининг» шартларига асосан, инсон хукуклари хамда демократия борасидаги ахдларига амал килаётганини исботлаб бериши лозим.
- АКШ хукумати юкорида айтиб утилган дастурларга биноан «Виждон Эркинлиги ва диний ташкилотлар тугрисидаги конуннинг» (Узбекистон хукумати томонидан 1998 йили кабул килинган) ва Жиноят Кодексининг «Халқаро Фуқаролик ва Сиёсий Хукуклар буйича Шартномага» (ХФСХШ) зид келадиган низомларини бекор килиб, диний эътиқоди туфайли камокка олинган шахсларнинг барчасини озодликка чиқармагунга қадар (жиноий кодексининг 216, 216-1, 216-2, 244-1 ва 244-2 моддалари) хамда АКШ ёки мустакил кузатувчилар «Узбекистон мустакил мусулмонларни уларнинг диний эътиқод ва амаллари туфайли камокка олишни тухтатди», деб кафолат бермагунга қадар Узбекистонни бундай ёрдамга лойик эмас деб куриши лозим.
- АКШ хукуматининг барча идоралари Узбекистон хукумати билан булган барча алоқаларида хар қандай хавфсизлик сиёсатининг, жумладан, терроризмга қарши харакатларнинг муваффақиятли булишида инсон хукукларига хурмат мухим урин тутишини қайта-қайта таъкидламоги лозим.
- АКШ ва Узбекистон хукуматлараро аксил-терроризмга оид алоқаларни қайта куриб чиқиб, бундай алоқаларда Узбекистон хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан қийнок йули билан орттирилган маълумотлардан фойдаламасликка ишонч хосил килиш.

- Махалла куъмиталарига фукаролик жамияти куриш, демократияга эришиш ёки шунга ухшаш дастурлар учун моддий ёрдам беришдан аввал махалла тизимида ислохотлар олиб бориш шартини куйиш.

Оврупада Хавфсизлик ва Хамкорлик Ташкилотига:

- Узбекистондаги ОХХТ марказига Жиноят Кодексининг 216-, 216-1-, 216-2-, 244-1- ва 244-2-моддалари хамда умумий жиноий айбловлар, жумладан (лекин шу билан чекланмаган), Жиноят Кодексининг 248-, 273-, 276- ва 155-моддалари билан айбланган барча шахслар махкама жараёнларини мунтазам равишда кузатиб боришни юклаш. Махкама жараёни хужжатлари хамда кузатувчилар баёнотларини туплаш. ОХХТга аъзо давлатларга мунтазам равишда хисобот бериб турилиши зарур.
- Узбекистондаги ОХХТ марказига имкон кадар мустакил муслмонларни ноқонуний хибсга олиш ёки уларга купол муносабатда булишга карши ташкил килинган оммавий норозилик чиқишларида хозир булиб, ОХХТга аъзо мамлакатларга ҳукуматнинг шундай чиқишлар мобайнида курсатган хар кандай ноқонуний харакатлари хисоботини бериш вазифасини топшириш.
- Узбекистон ҳукумати вакилларига динга караб ажратиш, кийнок ва камокхонадаги улим холлари юзасидан кутарилган эътирозларни намойиш этишни давом эттириш.
- Хорватияда хозирда амал килинаётган тизимга асосланиб, Узбекистондаги ОХХТ марказининг мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари ривожланиши хакидаги хисоботлари хамда ОХХТнинг бу борадаги қарорларини оммавийлаштириш.
- ОХХТ Урта Осиёдаги булими бошлигининг шахсий вакили Узбекистон борасидаги ишларида диний эркинликни асосий масала этиб белгилаши зарур.
- Шикоятларни текшириш идорасига зарурий усқуналар ва иш қуроллари билан таъминлаш каби ёрдам беришдан аввал, ушбу идорада ислохотлар олиб борилишни шарт килиб куйиш лозим.

Оврупа Иттифокига:

- Узбекистон ҳукумати 1999 йилда имзоланган Хамдустлик ва Хамкорлик Келишуви (ХХК)нинг инсон ҳуқуқлари борасидаги низомларини бузаётганини тан олиш ва мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари ҳолати ижобий томонга узгараётгани қуринмагунга кадар ХХК бекор килинишини таъкидлаш. Узбекистон ҳукумати ХХКнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги шартларини бажариши, яъни мамлакатда ислохотлар олиб бориши учун зарур булган аниқ вақт хисобини белгилаш. Бундай ислохотлар 1998 йилда қабул килинган «Виждон Эркинлиги ва Диний Ташкилотлар тугрисидаги қонуннинг» ХФСХШга зид келувчи қисмларини қайта қуриб чиқиш, Жиноят Кодексининг ХФСХШга зид келувчи моддаларини бекор қилиш, Жиноят Кодексининг 216-, 216-1-, 216-2-, 244-1- ва 244-2-моддаларига

асосан жазога хукм килинган барча шахсларни озод килиш ҳамда мустакил мусулмонларни диний эътиқодлари ва амаллари туфайли хибсга олишни тухтатишни уз ичига олади. Лекин ислохотлар ёлғиз юкоридаги чоралар билан чекланмаган.

- ЕХХТ Урта Осиёдаги булими бошлигининг шахсий вакили хизматидан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг ХХК шартлари асосида инсон ҳуқуқларини химоялашга қаратилган ислохотлари ҳисобини олиш.
- Ўзбекистон ҳукуматида расмий норозилик баёнотлари йуллашни ва ОХХТ Доимий Кенгаши амалиёти доирасида Ўзбекистон ҳукуматининг ута шафқатсиз чора-тадбирлари, жумладан, диний эътиқод туфайли хибсга олиш ва жазолаш, камокхоналардаги қийноқ ва улим холлари юзасидан оммавий баёнотлар чиқаришини давом эттириш.

БМТ Инсон Ҳуқуқлари Куъмитасига:

- Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари аҳолини яхшилаш юзасидан махсус резолюция тузиш, бу резолюцияда Ўзбекистон ҳукуматини халқаро инсон ҳуқуқлари андозаларига жавоб бериш, халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик килиш, жумладан, БМТ қийноқ масалалари буйича махсус муҳбирининг тавсияларини амалда қуллаш ҳамда БМТ махсус тузилмаларининг мамлакатга киритилишига кенг йул очиб беришга даъват килиш. Шунингдек, бу резолюцияда БМТ диний эътиқод ва қарашлар эркинлиги буйича махсус маърузачиси ва БМТ Бош Қотибининг Инсон Ҳуқуқлари Химоячилари буйича махсус вакилининг тезлик билан Ўзбекистонга киритилишига йул қуйиб беришни ургулаш.
- Ўзбекистон буйича махсус маърузачи тайинлашни муҳокама килиш.

БМТ Инсон Ҳуқуқлари буйича Бош Вакили(БМТИХБВ)га:

- Ўзбекистон ҳукумати вакиллари, маҳаллий инсон ҳуқуқлари фаоллари ва Жиноят Кодексининг 156-, 159-, 216-, 216-1-, 216-2-, 242-, 244-1- ва 244-2-моддаларига асосан жазога хукм килинган барча шахсларнинг қариндошлари билан учрашиш ҳамда мустакил мусулмонларнинг ноқонуний хибсга олиниши ва жазога хукм қилинишини урганиб чиқиш учун Ўзбекистонга ташриф буюришга таклифнома талаб килиш.
- Ўзбекистонда мунтазам равишда содир этилаётган қонунбузарликларни қузатиб ИХБВга ҳисобот бериш учун БМТ ИХБВнинг Ўзбекистондаги БМТ идорасида махсус вакилини тайинлаш. Ушбу вакилга шафқатсизлик қурбонлари билан булган алоқалар ва улардан олинган барча маълумотлар сир туттилиши ҳамда бу маълумотлар БМТ махсус идоралари ва махсус тузилмаларига уз вақтида топширилишини таъминлаш маъсулиятини юклаш.
- БМТ диний эътиқод ва қарашлар эркинлиги буйича махсус маърузачисини Ўзбекистонга ташриф буюриш учун таклифнома талаб килишга даъват этиш.